



IF = 9.2

**MARKETING ANALYSIS OF MEDICINES USED IN
ALLERGY****Ikramova Guzal Makhmadzhanovna**Associate Professor, Department of Organization of Pharmaceutical
Work, Tashkent Pharmaceutical Institute, Ph.D., Tashkent,
Uzbekistan**Urazbayeva Shakhrizoda Oybek qizi**Assistant, Department of Organization of Pharmaceutical Work,
Tashkent Pharmaceutical Institute, Tashkent, Uzbekistan
<https://doi.org/10.5281/zenodo.20702307>**ARTICLE INFO**Received: 02nd June 2026Accepted: 08th June 2026Online: 09th June 2026**KEYWORDS**

State register, drugs used
in allergy, assortment
analysis, drug form, trade
name of drugs,
international non-
proprietary name, update
index, macrocontour,
registration index.

ABSTRACT

This article examines the number of allergy medications registered in the State Register of Medicines, Medical Devices and Medical Equipment permitted for use in medical practice in the Republic of Uzbekistan for 2019-2025, based on the number of registrations and data on their indicators. Allergy medications imported from foreign countries mainly came from India, Turkey, Spain, and Italy. Allergy medicines from the CIS countries have been imported from Belarus and Russia. Scientific research shows that the number of allergy medicines registered in the state register by local manufacturers has increased year by year between 2019 and 2025. The renewal index of local allergy medicines showed a maximum renewal index of 29.2% in 2020, and it was found that 18 medicines with international non-proprietary names were registered in the State Register in 2022-2023. An analysis of allergy medicines listed in the State Register by dosage form for 2019-2025 was conducted. The nomenclature of allergy medications included in the State Register of the Republic of Uzbekistan for 2019-2025, and the assortment of allergy medications by manufacturers of the Republic of Uzbekistan as of November 28, 2025, were analyzed. The registration indicators of allergy medications registered in the State Register for 2019-2025 were studied.

**АЛЛЕРГИЯДА ИШЛАТИЛАДИГАН ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИНГ
МАРКЕТИНГ ТАҲЛИЛИ****Икратова Гузал Махаммаджановна**Тошкент фармацевтика институти фармацевтика ишени ташкил қилиш
кафедраси доценти, фармацевтика фанлари номзоди, Тошкент**Уразбаева Шахризода Ойбек қизи**Тошкент фармацевтика институти фармацевтика ишени ташкил қилиш
кафедраси ассистенти, Тошкент<https://doi.org/10.5281/zenodo.20702307>



IF = 9.2

ARTICLE INFOReceived: 02nd June 2026Accepted: 08th June 2026Online: 09th June 2026**KEYWORDS**

Давлат реестри,
аллергияда
ишлатилган дори
воситалар,
ассортимент таҳлили,
дори шакли, дори
воситаларининг савдо
номи, халқаро
патентланмаган номи,
янгилашиш индекси,
макроконтур,
рўйхатдан ўтиш
кўрсаткичи.

ABSTRACT

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида тиббиёт амалиётида қўлланилишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника Давлат реестрида 2019-2025 йиллар давомида рўйхатга олинган аллергияда ишлатилган дори воситалари рўйхатдан ўтиши ва кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар сони бўйича ўрганилди. Хорижий давлатлардан келтирилган аллергияда ишлатилган дори воситалари асосан Ҳиндистон, Туркия, Испания, Италия давлатларига тўғри келган. МДХ мамлакатларидан аллергияда ишлатилган дори воситалари Беларусия, Россия давлатларидан кириб келган. Илмий изланишлар давомида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан аллергияда қўлланиладиган дори воситалари 2019-2025 йиллар оралиғида давлат реестрида қайд қилиниши йилдан йилга ортиб борганлигини кўриш мумкин. Маҳаллий аллергияда ишлатилган дори воситаларининг янгиланиш индекси 2020 йилда янгиланиш индекси 29.2% максимал кўрсаткичини намоён этган, 2022-2023 йилларда 18 та халқаро патентланмаган ном билан дори воситалари Давлат реестрида қайд қилинганлиги аниқланган. Давлат реестри рўйхатидан ўтказилган аллергияда ишлатилган дори воситаларини 2019-2025 йиллардаги дори шакллари бўйича таҳлили олиб борилган. Ўзбекистон Республикаси Давлат реестрига киритилган аллергияда қўлланиладиган дори воситаларини 2019-2025 йиллардаги номенклатураси, Ўзбекистон Республикаси ишлаб чиқарувчилари томонидан Давлат реестрининг 2025 йил, 28-сон ноябр ҳолатига кўра аллергияда ишлатилган дори воситаларининг ассортимент таҳлили ўтказилган. 2019-2025 йиллар бўйича Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган аллергияда ишлатилган дори воситаларининг рўйхатдан ўтиш кўрсаткичлари ўрганилди.

КИРИШ. Сўнги йилларда аллергия касалликлар дунё миқёсида кенг тарқалаётган касалликлардан бири бўлиб, инсон саломатлигига

жиддий хавф солаётган касалликлар қаторига киради. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг эпидемиологик маълумотида кўра,



IF = 9.2

дунё аҳолисининг 50 фиозидан ортиғи аллергия касалликлар билан азият чекиб келмоқда. Атроф-муҳитнинг ифлосланиши, кимёвий қўшимчаларга бой озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолнинг ортиши, дори воситаларини врач назоратисиз қабул қилиш, камҳаракатлик ва доимий стресс ҳолатлари аллергия касалликларнинг кўпайишида асосий омилларга киради. Ушбу касалликларни барвақт аниқлаш, самарали даволаш ва уларнинг олдини олиш долзарб муаммолардан биридир. Аллергия касалликлар инсон иммун тизимининг ташқи муҳитдаги одатда безарар моддаларга нисбатан ҳаддан ташқари сезувчан жавоб реакцияси натижасида юзага келади. Улар нафас йўллари, тери, ҳазм тизими ҳамда бутун организм фаолиятига таъсир кўрсатувчи турли клиник белгилар билан намоён бўлади. Ўзбекистон аллергия дорилар бозори муваффақиятли фаолият юритиши учун доимий мониторинг ва таҳлилни талаб қиладиган динамик ва рақобатбардош муҳитдир. Ушбу илмий изланишлар Ўзбекистон Республикасидаги аллергия дорилар фармакотерапевтик гуруҳидаги дорилар бозорини чуқур таҳлил қилиш ва кенг ўрганишга қаратилган.

ТАДҚИҚОТНИНГ МАҚСАДИ.

Аллергияда ишлатиладиган дори


воситалар эҳтиёжини аниқлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасида қўлланилишига руҳсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника Давлат реестрига киритилган аллергияда ишлатиладиган дори воситаларини маркетинг таҳлилин олиб боришдан иборат.

МАТЕРИАЛ ВА УСУЛЛАР.

Ўзбекистон Республикасида қўлланилишига руҳсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника Давлат реестрининг 2019-2025 йилдаги нашрлари материаллари. Тадқиқот жараёнида маркетингнинг квалитетрик усуллари: ассортимент таҳлили, таққослаш, гуруҳлаш, график ва тартиблаш усулларидан фойдаланилди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ.

Ўзбекистон Республикасида қўллашга руҳсат этилган дори воситалар, тиббий буюмлар ва тиббий техника Давлат реестрига киритилган дори воситалар ассортименти таҳлили олиб борилди. Бунда дори воситаларни Хорижий, МДҲ, Маҳаллий ишлаб чиқарувчи мамлакатлар бўйича таҳлили ўтказилди. Таҳлил натижаларига кўра Хорижий давлатлар энг юқори кўрсаткичларни кўрсатди. (1-расм).




1-расм.

2019-2025 йилларда Давлат рўйхатидан ўтказилган дори воситаларнинг ассортимент таҳлили

Тадқиқотимизнинг кейинги босқичида Ўзбекистон Республикасида қўллашга руҳсат этилган дори воситалар, тиббий буюмлар ва тиббий техника Давлат реестрига киритилган аллергияда ишлатиладиган дори воситалар ассортиментини таҳлили олиб борилди. Бунда аллергияда ишлатиладиган дори воситаларини ишлаб чиқарувчи мамлакатлар бўйича таҳлили ўтказилди [5]. Бунга кўра Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган аллергияда ишлатиладиган дори воситалар 2019 йилда 54 та, 2020 йилда 72 та, 2021

йилда 67 та, 2022-2023 йиллар оралиғида 69 та, 2024 йилда 61 та, 2025 йилга келиб эса 42 та савдо номида рўйхатдан ўтганлиги аниқланди. Хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган аллергияда ишлатиладиган дори воситалар энг кўп савдо номида рўйхатдан ўтган, яъни 2019 – 2022 йиллар оралиғида рўйхатдан ўтиши изчил ўсганлигини кўриш мумкин, 2023-2025 йиллар оралиғида эса бу курсаткич йилдан йилга пасайиб борган. МДХ давлатларида ишлаб чиқарилган аллергияда ишлатиладиган дори воситалар 2019– 2022 йилларда 50 та, 2023 йилда 36 та, 2024 йилда 28 та, 2025 йилда 21 та савдо номида дори воситалар рўйхатдан ўтганлиги аниқланди (2-расм).




2-расм

Аллергияда ишлатиладиган дори воситаларни ассортимент таҳлили

Кейинги таҳлилимиз шуни кўрсатадики Хорижий давлатларда

ишлаб чиқарилган аллергияда ишлатиладиган дори воситалар 59%, МДХ 14% ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларимиз 27% ни ташкил этканлиги аниқланди (3-расм).



3-расм. 2025 йилда Давлат рўйхатидан ўтказилган аллергияда ишлатиладиган дори воситаларнинг ассортимент таҳлили

Аллергияда ишлатиладиган қўлланиладиган дори воситаларни

хорижий ишлаб чиқарувчи давлатлар бўйича таҳлил қилганимизда 2025 йилда Ҳиндистон (23 та номда), Испания (22 а номда), Туркия (14 та номда) давлатлари етакчи ўринда эканлиги аниқланди (4-расм) [3,5].



Мамлакат номи	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил
Хорижий							
Ҳиндистон	25	37	42	41	39	37	23
Австрия	2	1	1	1	1	1	1
Бангладеш	1	1		1	1	1	1
Белгия	4	4	3	3	3	2	3
Венгрия	6		7	6	5	4	
Греция	1						
Миср	1	1	2	1	1	1	1
Иордания	2	2	2	2	1		
Чехия	3	3	1	1		1	1
Швейцария	2	2	2	2	3	2	2
Италия	7	7	7	5	4	3	2
Германия	3	3	5	4	5	5	3
Польша	3	3	5	6	5	5	3
Партугалия	1	1	1	1	1	1	1
Руминия	1	1	1	1	1	1	1
Словения	3	1	1	1	1	1	
Болгария	3		5	5	5	5	
Латвия	6	6	5	4		3	2
Макидония	1	1	1	2	2	2	2
Малойзия	2	2					
Хитой	4	3	3	1			
Покистон	7	7	4	6	6	5	3
Вьетнам	1	1	2	3	3	3	2
Туркия	23	22	23	20	13	16	14
Финландия	1	1	1	1			1
Дания			1	1	1	1	1
Испания			9	21	21	21	22
Корея							2
Саудия Арабистони							1
МДҲ							
Арманистон	2	2	2	2	2	-	
Беларусия	6	6	6	5	3	3	3
Грузия	3	3	3	3	2	1	2
Козоғистон	6	6	4	4	4	4	
Россия	22	22	23	22	11	8	5
Украина	11	11	12	14	14	12	11


4-расм. 2019-2025 йилларда
Давлат рўйхатидан ўтказилган
аллергияда ишлатиладиган дори

воситаларни ишлаб чиқарувчи
давлатлар бўйича таҳлили

Аллергияда ишлатиладиган
дори воситаларни дори шакллари

бўйича таҳлил қилганимизда
таблетка, томчи, эритма ва сироп дори


шакиллар энг кўп рўйхатдан
ўтганлиги аниқланди (5-расм).



5-расм. 2019-2025 йилларда
Давлат рўйхатидан аллергияда
ишлатиладиган дори воситаларни
дори шакллари бўйича таҳлили

Таҳлилимизни кейинги
босқичида аллергияда
ишлатиладиган дори воситаларни
ҳалқаро патентланмаган номи бўйича
олиб борилди. Қуйидаги
диаграммадан шунини кузатиш мумкин
маҳаллий ва МДХ давлатларига
қараганда қариб икки баробар кўп
сонда хорижий давлатлардан халқаро
патентланмаган номдаги дори
воситалар рўйхатдан ўтган бўлиб,
2019-2023 йиллар оралиғида бу
кўрсаткич изчил равишда ошиб

борган, 2023 йилда 30 та халқаро
патентланмаган номидаги дори
воситаларини ташкил қилган, 2024-
2025 йилга оралиғида бу кўрсаткич
камайгани кузатилди, яъни 23 та
ҳалқаро патентланмаган номидаги
дори воситалари рўйхатдан ўтган (6-
расм). МДХ давлатларида бу
кўрсаткич деярли ўзгармаган. Ушбу
кўрсаткич бўйича маҳаллий ишлаб
чиқарувчилар 2019-2023 йиллар
оралиғида халқаро патентланмаган
номдаги дори воситаларни рўйхатдан
ўтказиши 13 тадан 18 тагача ортиб
борган, 2025 йилга келиб бу
кўрсаткич камайган, яъни 13 тани
ташкил этган.



6-расм. 2019-2025 йилларда Давлат рўйхатидан ўтказилган аллергияда ишлатиладиган дори воситаларни халқаро патентланмаган номи бўйича таҳлили

Илмий изланишимизнинг кейинги босқичида аллергияда ишлатиладиган дори воситаларининг халқаро патентланмаган номи (ХПН) бўйича таҳлили ўтказилди. Таҳлил натижасига 1- жадвалда берилган. Унга кўра мамлакатимиз фармацевтика бозорида 46 хил халқаро патентланмаган ном билан дори воситалари рўйхатдан ўтган. Хорижий ва МДХ ишлаб чиқарувчилар томонидан комбинирланган аллергияда ишлатиладиган дори воситалари Comb.drug (Antazoline,

haphazoline), Comb.drug (Diphenhydramin, naphthyzine*"), Comb.drug (Fexofenadine, Montelukast), Comb.drug (Dextromethorphan hydrobromide, Chlorpheniramine maleat), Comb.drug (Montelukast, Levocetirizine), маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан Comb. drug (Viola Raucheri tricolor, Picea abies, Glycyrrhiza glabra, Chamomilla recutita, Urtica dioica, Calendula officinalis, Equisetum arvense)* халқаро патентланмаган ном билан қайд қилинганлиги аниқланди [5].

Аллергияда ишлатиладиган дори воситаларининг халқаро патентланмаган номи бўйича таҳлили

	хорижий	МДХ	Маҳаллий	хорижий	МДХ	Маҳаллий	хорижий	МДХ	Маҳаллий	хорижий	МДХ	Маҳаллий	хорижий	МДХ	Маҳаллий	хорижий	МДХ	Маҳаллий	хорижий	МДХ	Маҳаллий	
Azelastine	2			2			2						1			1						
Bilastine	3			3			4			4			4			4			2			
Cetirizine	1	2	1	1	2	13	13	2	10	15	2	1	1	1	1	15	1	9	1	1	7	
Cetirizine dihydrochloride	4			4		1	4		2			2	3		2	2						



Cetirizine hydrochloride				1			1			4							2				
Chloropyramine	4	2	1	2	2	2	2	2	2	2	2	3	2	2	3	1	1	3		2	2
Chlorpheniramine maleate	2			2			2			2			2			2					
Clemastine	2			1			1			1			1			1			1		
Comb.drug (Antazoline, haphazoline)	1			1																	
Cromoglicic acid	2			1			1			1									1		
Cyproheptadine hydrochloride	1	2	2	1	2	4	1	2	4	1	2	4	1	1	4	1	1	4		1	
Desloratadine	19	6	10	19	6	11	23	6	9	20	5	5	15	6	4	15	5	5	11	2	5
Dimethindene	2		2		1		4	1		4	1		4	1		4	1		4	1	
Diphenhydramine	3	6	9	3	6	10	4	5	8	3	4	8	2	4	9	2	3	6	2	2	4
Diphenhydramine hydrochloride	1			1		2	1		2			2			2			2			
Fexofenadine	4		2	5		1	6		1	5		1	4		1	4			2		
Ketotifen	1	5	2	1	5	3	1	5	3	2	5	3	2	3	3		2	3	1	2	1
Levocetirizine dihydrochloride	3		1	6		4	6		3	5	1	3	4	1	3	4	1	3	1	1	2
Levocetirizine	20		3	2		1	21	1	3	22	1	3	1	1	2	16	1	2	8	1	3
Loratadine	7	5	4	8	5	6	8	4	6	9	4	6	9	4	6	9	2	6	7	2	4
Olopatadine	9			10		1	9		1			1	9		1	9		1	10		
Quifenadine	4			4			3			3			3			2			2		
Rupatadine*	1			1			1														
Sequifenadine	1			1			1			1			1			1					
Sodium cromoglicate			1	2		3	2		4	1		5	1		5			4	1		3
Allergens		4			4			4		11	4		1	3		11	1		1		
Comb.drug (Diphenhydramine, naphthyzine*)		3			3			3			3			3			3				
Mebhydrolin		4	7	3	9			3	8		4	9		4	1		4	8		2	8
Tuberculosis allergen		1			1			1			1			1							
Grass pollen allergens		10			10			10			10										
Ketoprofen			1		1			1			1			1	1		1				1
Promethazine				1			1			1			1		1						
Allergen extracts							8			8			8			8					



Comb.drug (Fexofenadine, Montelukast)							1			1			1			1		
Ebastine							2			2		2				2		3
Standardised allergen extract of grass pollen from Timothy (Phleum pratense)							1			1			1				1	
Benzhydrylpi perazine butylmethylx anthine succinate							1			1			1				1	
Fexofenadine hydrochloride									1			1					1	
Olopatadine hydrochloride									1			1						
Comb.drug (Dextrometho rphan hydrobromide , Chlorphenira mine maleat)									1				1			1		1
Comb.drug (Montelukast, Levocetirizine)												1			1		1	
Comb.drug (Viola Raucheri tricolor, Picea abies, Glycyrrhiza glabra, Chamomilla recutita, Urtica dioica, Calendula officinalis, Equisetum arvense)*													1			1		1
Recombinant tuberculosis allergen in standard dilution															1			1
Native allergen extract																	6	
Native allergen extracts mixture																	2	



2021	Ҳорижий	134	33	24.6%
	МДҲ	50	5	10%
	Маҳаллий	67	1	1.5%
2022	Ҳорижий	140	31	22%
	МДҲ	50	4	8%
	Маҳаллий	69	12	17.4%
2023	Ҳорижий	126	2	1.6%
	МДҲ	36	1	2.8%
	Маҳаллий	69	1	1.4%
2024	Ҳорижий	121	6	4.96%
	МДҲ	28	3	10.7%
	Маҳаллий	61	4	6.6%
2025	Ҳорижий	92	4	4.3%
	МДҲ	21	-	-
	Маҳаллий	42	1	2.4%

2-жадвалда 2025 йилда Тиббиёт амалиётида қўлланилишга рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника давлат реестридан рўйхатдан ўтган, ҳорижий давлатлардан келтирилган аллергияда ишлатиладиган дори воситалари янгилик индекси 4.3%, МДҲ давлатларидан аллергияда ишлатиладиган дори воситаларининг янгилик ҳолати кузатилмаган. Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан рўйхатдан ўтган аллергияда ишлатиладиган дори воситаларининг янгилик индекси 2.4% ни ташкил қилган.[6,8]

Тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикасида аллергияда ишлатиладиган дори воситаларнинг товар сиёсати маркетинг ёндашуви асосида таҳлил қилинди. Олиб борилган тадқиқот натижасидан шуни хулоса қилиш мумкинки маҳаллий аллергияда ишлатиладиган дори воситаларнинг ассортименти кенгайтириш,

рақобатбардошлигини таъминлаш ва янги дори воситаларини мамлакатимиз фармацевтика бозорига тадбиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади.[5,6,8]

ХУЛОСА

1. Аллергияда ишлатиладиган дори воситалари ўрганилганда, 2019-2025 йиллар давомида ҳорижий давлатлардан келтирилган аллергияда ишлатиладиган дори воситалари ўртача 59 % ни ташкил этган бўлса, МДҲ давлатларидан кетирилган 14% ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган 27% эканлиги аниқланди.

2. Маҳаллий ишлаб чиқарилган аллергияда ишлатиладиган дори воситаларининг янгилик индекси 2020 йилда энг юқори кўрсаткич 29.2 % ни ташкил этган бўлса, 2025 йилга келиб бу кўрсаткич 2.4% ташкил қилган.

3. Давлат реестрига киритилган аллергияда ишлатиладиган дори воситалари номенклатураси таҳлил қилинганда 2019-2025 йиллар



давомида маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган аллергияда ишлатиладиган дори воситалари 72 та савдо номида, таблетка, эритма ва сироп дори шаклини ташкил этганлиги аниқланди.

4. 2019-2025 йиллар давомида хорижий давлатларида ишлаб

чиқарилган аллергияда ишлатиладиган дори воситалари 140 та, МДХ давлатлардан келтирилган аллергияда ишлатиладиган дори воситалари 50 та савдо номи билан Давлат реестри рўйхатидан ўтганлиги далиллар ва сонлар билан исботланди.

References:

1. Садикова Гулчехра Эркиновна, Ашуров Абдурахмон Акбаралиевич Иммуниетга таъсир этувчи дори воситаларининг маркетинг таҳлили. Фармация, иммунитет ва вакцина журналы, №1, 2024. 148-156 б.
2. Суюнов Н. Д., Ражабова, Н. Х. (2020). Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган саратонга қарши дори воситаларининг таҳлили. Фармацевтический журнал, 1(4), 3-10 б.
3. Khidoyatova Zulfiya Sharifovna, Azimova Munira Takhirovna, Yusupova Ziyodakhon Kadir Khanovna "Content analysis of drugs used in urinary tract infections" Science and innovation international scientific journal volume 3 issue 4 april 2024, pag. 427-437.
4. Олимов Н.К, Машарипова Р.Р "Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган диареяга қарши дори воситаларининг таҳлили" Фармация, иммунитет ва вакцина журналы, №2, 2024. 62-72 б.
5. Машарипова Р.Р , Хидоятлова З.Ш. Азимова М.Т., Жўраева С.Л.Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган витамин ва витамин минераллар сақлаган дори воситаларининг таҳлили, №2, 2024. 46-54 б.
6. Р. В. Кравченко, С. Э. Ржеусский «Анализ рынка стоматологических лекарственных препаратов республики беларусь» Вестник фармации №1 (107), 2025. 37-42ст.
7. <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/diarrhoeal-disease>
8. Тиббиёт амалиётида қўлланишига рухсат этилган дори воситалари, тиббий буюм ва тиббий техника давлат реестри Ўзбекистон Республикаси/2019 -23.